

**ХИЗМАТЛАР КҮРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)  
ОИД ШАРТНОМА № 01**

Карши тумани

«30» ноябрь 2022 йил

Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Буюртмачи" деб юритилувчи  
Аму-Кашқадарё ИТХБ хузуридаги Қарши магистрал канали ирригация тизими бошкармаси  
номидан раҳбар в.в бажарувчи О.Тухтамишев  
бир томондан, ва устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Бажарувчи" деб юритилувчи  
"Шоҳ императорине" ишни  
номидан иш кўрувчи раҳбар Ш. Гашураев иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида  
туздилар:

**I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га бошқарма тассаруфидаги "Р-14" каналини ПК60+20 дан ПК60+40 гача, ПК90+00 дан ПК98+78 гача ва ПК127+70 даги иншоотни таъмирлаш-тиклаш" ишларини (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) бажаради . "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни кабул килиш ва кийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.  
"Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркиби кисми ҳисобланган иловада келтирилади.

**II. ТОМОНЛАРНИНГ  
ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

2.1. "Буюртмачи" нинг хуқуклари:

"Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Бажарувчи"дан "Хизматлар" "Буюртмачи" нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;

- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

"Хизматлар"га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 7 кун мобайнида ҳак тўлаш.

2.3. "Бажарувчи" қўйидаги хуқукларга эга:

кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳак тўланишини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. "Бажарувчи" қўйидагиларга мажбур:

"Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва микдорда кўрсатиш; агар "Хизматлар"ни курсатиш жараёнida "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган булса "Буюртмачи" нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 7 кун муддатда текин тузатиб бериши.

**III. ШАРТНОМАНИНГ  
БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 112000000/Бирюз ўчи иккى меҳмон)

сўмни

ташкил этади.

Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми 30% олдиндан тулайди, бажарилган ишлар тасдикланган кундан 30 кун муддат ичидаги 70 % узил-кесил хисоб-китоб қилинади.

3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кучириш йули билан накд пулсиз тартибда хисоб-китоб қилинади.

#### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл кўйилмайди, конун хужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" қабул килиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.

Хисоб-китоб хужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳак тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана хисобланади.

4.4. "Буюртмачи"нинг розилиги билан "Хизматлар" муддатидан олдин кўрсатилиши мумкин. "Буюртмачи" томонидан кўрсатилган ва қабул килинган "Хизматлар" учун кейинги даврларда кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар" хисобига ҳак тўланади ва улар хисобига ўтказилади.

4.5. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул килишни рад этишга ҳаклидир.

4.6. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошка номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул килинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.8. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофик ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли кисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камидаги 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул килишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул килингандиги тўғрисида белги қўяди.

4.9. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли кисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳаклидир, бу ҳакда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камидаги 1 кун олдин хабардор килади.

#### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини хисобга олган ҳолда қайта хисоб-китоб қиласди, хисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташкари буюртмачига нотўғри хисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тулайди.

5.2. Агар кўрсатилган "Хизматлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошка шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тулайди.

5.3. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташкари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тулайди. Жаримадан ташкари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган заарни тулайди.

5.4. Хизматлар кўрсатиш кечикирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечикирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган заарлар копланишидан озод этмайди.

5.5. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳак тўланмагандага "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тулайди, бирор бу кечикирилган тўлов суммасининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади

"Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.  
5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқкан тақдирда, томонлар, коидага кўра, мустакил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини қўрадилар.  
6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳаклидир.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома мазкур шартноманинг 8.4-бандига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб амалга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал килади.

7.2 Мазкур шартнома 28.11.22 йил 31.12.2022 гача амал килади.

7.3. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошка томон шартномани жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибida бекор қилиниши мумкин.  
8.2. Мазкур шартномага ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.  
8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.  
8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) "Буюртмачи" жойлашган жой бўйича рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

### 9. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

#### «Буюртмачи»

Аму-Кашкадарё ИТХБ хузуридаги  
Қарши МК ИТБ  
Карши туман Мирмирон шахарчаси  
Кашкадарё вилояти газначилиги бошкармаси  
Ш/ХР- 100021860102247042402170003  
ИНН: 305910651  
тел. 228-02-23  
х/р 23402000300100001010  
МФО 00014 ИНН 201122919  
Банк МБББ ХККМ Тошкент шахар



О.Тухамишев

Мухаримзо  
O. Tukhamishov

#### «Бажарувчи »

«Шоҳ инжиниринг» Ўзбек  
Ҷумҳориёт Тудози  
х/р 20108000605160748 00/  
Саноғора балк. Йонғарё 8/09  
ИНН: 307012501 МФО: 00180

роҳбар \_\_\_\_\_ Ӣ. Ҳайруллоев

Муҳаммад Садиков

(муҳаримзо)

